

## **Тарбия жараёнида дунёвий ва диний қадриятларни уйғунлаштиришнинг назарий масалалари**

Шахснинг камолоти жараёнида маънавий тарбия асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Бу хусусда И.А. Каримов: “Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз бекиёс ахамият касб этади. Агар биз бу масалада хушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз холига, ўзибўларчилиikka ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғирилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлимиздан четга чиқиб қолишимиз мумкин”<sup>1</sup>, - деб ёзар экан маънавий тарбиянинг халқимиз ҳаётидаги ўрни ниҳоятта катта эканлигини кўрсатиб беради. Тарбия жараёни маънавий, диний, ҳуқуқий, сиёсий, жисмоний, иқтисодий, экологик, тиббий, ғоявий тарбия каби таркибий қисмлардан ташкил топади.

Маънавий тарбия жараёнида дунёвий ва диний қадриятларни уйғунлаштириш ишларини ташкил этиш бевосита тарбиянинг усул ва воситалари орқали амалга оширилади. Тарбиянинг барча йўналишларининг бирлиги:

биринчидан, тарбиянинг пировард мақсади ҳар томонлама ривожланган, баркамол шахсни шакллантириш;

иккинчидан, барча ижтимоий муносабатларнинг мажмуи бўлган, яхлит ва алоҳида таркибий қисмларга ажратиб бўлмайдиган инсоннинг ягона ижтимоий моҳияти;

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008. 4-бет

учинчидан, тарбиянинг бутун тизими учун умумий бўлган принципларнинг бирлиги билан боғлиқ.

Айни вақтда, тарбиянинг ҳар бир йўналиши нисбий мустақилликка эга, ўзига хос жиҳатлари бор ва мураккаб тизимни ташкил қилади. Маънавий тарбия амалий фаолиятнинг “одамларга одамлар томонидан ишлов бериш”га қаратилган нисбатан мустақил ўзига хос тури. Унга тарбиявий фаолиятнинг ҳар қандай йўналишида бўлганидек, бир қатор умумий таркибий унсурлар – тарбия объекти; тарбия субъекти; тарбиянинг мазмуни (мақсади, ғоялари, вазифалари); тарбия воситалари (маънавий ва диний қадриятлар); тарбиянинг принциплари, усул ва шакллари; маънавий тарбияни бошқариш субъектлари – ҳосдир. Шу билан бирга ушбу фаолият ҳаётнинг турли соҳаларида, ҳар хил ижтимоий институтлар ёрдамида амалга оширилади. Уларнинг мажмуи маънавий тарбия тизимининг ташкилий тарафини, жиҳатини ташкил этади. Барча унсурлар ўртасидаги тартибга солинган қонуний алоқалар тарбия мақсади асосида маънавий тарбиянинг тузилишини ташкил қилади. Айнан тузилиш туфайли ҳар бир унсур бошқа барча унсурлар билан боғлиқ бўлади, бу эса тизимни ташкил этади.

Умуман олганда, маънавий тарбия тизимини тарбия жараёнининг уч қирраси – унинг мазмуни, методик ва ташкилий томонининг узвий бирлиги сифатида тасаввур қилиш мумкин. Мазмуний томони тарбиявий жараён объектида қандай хусусият ва хоссаларни шакллантириш кераклигини кўрсатади. Методик тараф ушбу вазифалар амалда қандай бажарилишини кўрсатади ва тарбия жараёнида, табақалашган ҳолда, муайян шароитлар, тарбия объектининг хусусиятларидан келиб чиқиб қўлланиладиган воситалар, усуллар ва шакллари ифодалайди. Ниҳоят ташкилий тараф ким тарбиялаётганлигини кўрсатади, ҳар бири ҳаётнинг муайян соҳасида маънавий тарбияни амалга оширадиган ва ўзига юклатилган махсус функцияларни бажарган тегишли ташкилотлар мавжуд бўлишини тақозо этади. Маънавий тарбия унинг барча жиҳатлари ўзаро боғлиқ ва мувофиқ

бўлган тақдирдагина самарали бўлади. Шундай қилиб, маънавий тарбия тизими – ҳар хил ижтимоий институтларнинг ташкилий ва мақсадга қаратилган фаолияти ҳамда улар онгли равишда белгилайдиган, шахсда дунёвий ва диний қадриятларга ижобий муносабатни шаклланишини таъминлайдиган инсонга таъсир кўрсатиш принциплари, воситалари, шакл ва усулларининг мажмуидир.

Маънавий тарбия таркибидаги энг муҳим бўғин тарбия объекти ва субъекти ўртасидаги дунёвий ва диний қадриятлар билан боғлиқ ўзаро алоқадорликдир. Дунёвий ва диний қадриятларнинг ўзаро уйғунлик жиҳатларини илмий - амалий тадқиқ қилар эканмиз, унга И.А.Каримовнинг: “ҳаёт - бу диалектика дегани. Чунки ҳаётдаги барча воқеалар бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетган”<sup>2</sup>, - деган сўзларини методологик асос қилиб оламиз. Дунёвий ва диний қадриятлар ижтимоий-иқтисодий, сиёсий – ҳуқуқий, маънавий - маданий ҳаёт ҳодисаларининг икки ўзига хос соҳаси ва уларни баҳолаш, кадрлаш шаклларида биридир. Гарчанд, улар нисбатан мустақил бўлсаларда, бир-бири билан чамбарчас боғлангандир, бу эса одамлар ўртасидаги муносабатларда, инсон, элат, миллат ва халқнинг бадий қарашлари ва тасаввурларида яққол намоён бўлади. Айниқса, дунёвий ва диний қадриятларнинг ўзаро алоқаси аксиологиянинг тарихий ривожланишидаги асосий қонуниятлар сирасига кириб ҳамда унинг ижтимоий функцияси ва маъносини белгилайди ҳамда ифодалайди.

Дунёвий ва диний қадриятларнинг ўзаро таъсири жамиятнинг маънавий ҳаётига хос ҳодисалар, шахснинг хатти-ҳаракатларида айниқса аниқ ва бевосита намоён бўлади. Одатда ҳар қандай ижтимоий ҳодиса, хатти-ҳаракат ёки инсон фаолиятининг мотиви айна вақтда дунёвий аҳамиятига эга бўлиб, бир томондан гўзаллик ёки хунуклик сифатида, бошқа томондан, эзгулик ёки ёмонлик сифатида баҳоланиши мумкин. Дунёвий ва диний қадриятларнинг объектив мезони бир. Зеро, воқеликнинг қандайдир ажралган

---

<sup>2</sup> Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари-олий қадрият.Т.14.Т.:”Ўзбекистон” , 2006. -121 б.

“аксиологик хоссалари” ҳам, шунингдек, умумий объектив шарт-шароитларнинг мавжудлиги диний қадриятлар ва дунёвий қадриятлар ўзаро алоқасига ички, узвий хусусият бағишлайди. Масалан, аксиологик баҳо инсон маънавий ва жисмоний имкониятлари, ижодий қобилиятларининг баҳосидир. Шу боис бундай баҳо ижтимоий ҳаётнинг ҳар қандай соҳада, жумладан тарбия соҳасида ҳам қўлланилиши мумкин. Аксиологик баҳо нарса ва ҳодисани яхлит камраб олган ҳолда ўзининг зарурий шарти сифатида уларнинг дунёвий аҳамиятини аниқлашни тақозо этади. Ўз навбатида, ахлоқийлик диний қадриятлар сифатида намоён бўлиш учун шарт-шароитга эга. Бу инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларини ўз таъсири билан камраб олувчи дунёвий қадриятлар барча жойда воқелиги, шунингдек шахснинг дунёвий қоидалари ва кўрсатмаларини ўз ҳаётий амалиётида рўёбга чиқаришининг бевосита хусусияти билан боғлиқ. Ушбу икки соҳанинг ички яқинлиги улуғворлик, тубанлик, қаҳрамонлик каби нарса ёки ҳодиса айна вақтда диний қадриятлар ва дунёвий қадриятлар нуқтаи назаридан баҳоланадиган тушунчаларнинг маъно жиҳатидан бирлигида ўз аксини топади. Бироқ ижтимоий ҳаёт ва диний қадриятларда диний қадриятлар ва дунёвий қадриятлар муносабати кўп ҳолларда анча мураккаб ва зиддиятли тарзда ифодаланади. Бунга, хусусан, инсонлар ўртасидаги муносабатларда моҳият ва ҳодиса, мазмун ва шаклнинг мос келмаслиги билан боғлиқ ҳоллар киради. Биз у ёки бу ҳаракатнинг тарбиявий аҳамиятини ижобий баҳолаб баъзан унинг ташқи намоён бўлиш шаклига эътибор бермаймиз. Ёки, инсоннинг хулқини одоб қоидаларига риоя этилиши нуқтаи назаридан баҳолаб, бунда шахс ривожланишининг умумий даражасига эътибор қилмаймиз.

Диний ва дунёвий қадриятлар гўзаллик ва яхшилик уйғунлиги қадрлаш нуқтаи назаридан абстракт-мавҳум, чексиз ҳиссий жараён эмас. Балки қадрлаш меъёрларига эга бўлган аниқ ижтимоий тарихий ҳодисадир. Диний ва дунёвий қадриятлар ҳаёт уйғунлигини қадрлашнинг ўзига хос қадрлаш

меъёрлари мавжуддир. Буларга қаноат, сабр, интизом, ҳаё, иффат, вафо, тўғрисиқлик, виждон, ор-номус ва бошқалар киради. Масалан, ҳаё инсондаги дунёвий ва диний қадриятлар уйғунлигини қадрлаш меъёри сифатида, биринчидан, дилдаги ички дунёвийий фазилат уруғининг гўзаллик дунёсига экилиши, ундан олинган ҳосил; иккинчидан, инсондаги ҳусн ва латофат кўзгуси; учинчидан, гўзаллик ва яхшилиқнинг инсон вужудидаги жавҳари бўлиб ўзлигини намоён қилади. Демак, ҳаё, диний ва дунёвий қадриятлар уйғунлигини бир бутун ҳолда ўзида акс этирувчи тушунча ҳисобланади.

Дунёвий ва диний қадриятлар уйғунлиги ҳақидаги фикрларни профессор Тилаб Маҳмуднинг: “Инсон маънавий оламининг яхлитлиги ва бутунлигига эришмоқ айни саодатдир. Парчаланиш, бўлиниш-нураш аломатидир. Қаерда уйғунлик ва мутаносиблик бўлса, шу ерда ишончли тараққиёт ва гўзал ҳулқ чечаклари гуллайди. Инсон дилидаги эсанкириш, шубҳа ва гумон маънавий парокандаликка олиб келади<sup>3</sup>”, деган пурмаъно сўзлари билан ҳулосалаймиз. Диний ва дунёвий қадриятлар уйғунлигидаги меъёрларнинг бузилиши диний ва дунёвий қадриятларнинг қадрсизланишига, яъни одамларнинг ахлоқий ва аксиологик жиҳатдан таназзулга учрашга олиб келади.

**Тошкент ислом Университети  
аспиранти Дилафруз Мирзаева**

---

<sup>3</sup> Маҳмуд Тилаб. Комиллик асрорлари: Ҳаётий ҳикматлар.-Т.: “Адолат”, 2006. 18 -бет.

